



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИКАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 5 сентябрь, chorshanba Баҳоси сотувда эркин нархда № 70 (7369)

Ibrat

Учқўрик тумани мактаблари янги ўқув йилига тайёрлашда ҳомий ташкилотлар томонидан кўрсатилган ёрдам 17 миллион сўмини ташкил этди. Бу борада айниқса, А.Исоқов раҳбарлик қилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси 1,5 млн. сўм, тадбиркор М.Дадаев 1 млн. сўм маблағ ажратиб ибрат кўрсатдилар.

Da'vat


Доноликнинг ўзи кифоя эмас, ундан фойдалана билмоқ керак.

ЦИЦЕРОН

2001 yil - Onalar va bolalar yili

Оллоҳнинг бекиёс кашфиёти бўлган инсон оламда хилма-хил ташкиллар остида яшайди. Ана шу ранг-баранг ташкилларнинг бири инсоннинг руҳи юксалиб, баракали меҳнат қилади, ижоди гуллаб-яшнайдиган инсоннинг руҳи юксалиб, дунёдан безғанича тақдирга тан бериб, ўзига ажратилган кунларни ўтказаяди. Демак, инсон айнаи шу ташкил таъсирлари воситасида ўзини бошқаришда ҳамда бошқарилади. Бу конуният инсон пайдо бўлган сояндан бошлаб махсус дастурланган. Бирок шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, бу дастур инсоннинг бахтли ҳаёт кечирishiга мослаштирилган, chunki муайян ташкил таъсирларнинг барча хусусиятлари, инсон организмнинг бекаму кўст ҳаёт кечирishi учун, тўла-тўқис хисобга олинган. Келинг, бунинг далили сифатида инсон организм учун жуда кучли таъсир этувчи ҳавони олайлик. Маълумки, Ер атрофини ўраган тоза атмосфера ҳавоси 78,09 фоиз азот, 20,95 фоиз кsilорod моддаларидан ва тахминан 1 фоиз атрофида карбонат ангидрид ҳамда бошқа

Мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида истиқлолнинг 10 йиллиги тантаналарига уйғун ҳолда 10-янги ўқув йили «Мустиқиллик дарслари» билан бошланди



Мана, илмга ташна ёш юракларни жунбушга келтириб, "Биринчи кўнгирак" садолари ҳам бутун Республикаимизнинг барча таълим масканларида янграб ўтди. Энди ёз фаслининг илик, серкуёш кунларини юртимизнинг баҳаво, сўлим гўшаларида ўтказган ўқувчи-ёшлар ўз жонажон илм масканларида янги куч, янги гайрат билан ўқишни давом эттиришди.

Ўқитувчи ўқувчиларни қўтлаб сўзга чиққан барча нотиклар, қолаверса, мактаб оstonасига илк бора қадам қўяётган 170 нафар жажжи болажонларимизнинг Президент совгаларини олгандаги қувончини кўрганда яна бир бор амин бўласан, киши. Дарслар бошланиб, илк ўқув соатлари - Мустиқиллик дарсларини кузатганда эса ёшларимизнинг ақл-заковатига, мустиқилликнинг қадрини нақадар тереан анлаган ҳолда уни мустиқамлашга, юрт қадрини, халқ қаддини кўтаришга ўз улдуш-

ҚўШ БАЙРАМНИНГ ҚўШ ТАНАНАСИ

Тақвимнинг туққизинчи ойи юртимизда ўзгача шуқудда кутиб олинди. Сабаби, ойнинг ибтидосида қўшалоқ байрам - Мустиқиллик ва янги ўқув йилининг илк кунини нишонланади. Мазкур саналарнинг қадри, айниқса, жорий йилда бошқача. Истиқлолнинг ўн йиллигига уланган янги ўқув йилининг бошланишини барча ўқувчи, талабалару уларнинг устозлари интиқил билан кутишди. Шу кунларда ҳар бир хонадоннинг қувончу шодликлари ўқув муассасаларига кўчгандай гўё. Айниқса, илк бор мактаб оstonасига қадам қўйган жажжиару касб-хунар коллежлари, академик лицей ва олий ўқув юртарларнинг 1-курсига қабул қилинган ўқувчи-талабаларнинг хаяжонлари юзларида ошқора зоҳир бўлди. Янги ўқув йилида Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежига қабул қилинган 286 нафар йигит-қизларнинг қувончлари бир олам. Бу йил қабул қилинган талабалар 9-синф негизда 11 та, 11-синф негизда 2 та гуруҳларга бўлинган

ҚАЛБЛАРНИ ҚАЛҚУТГАН САДОЛАР

фанига ихтисослашган 216-мактабда ҳам янграб, ўз сеvimли толиб илмларини бағрига чорлади. Унга жавобан эса кўчаларни тўлдириб, қўлларида гулдаста билан мактабга шодон шиоиллаётган ўғил-қизларни кўриб, кўнглини қувончдан яйрайди. Зотан, бу қувонч кунини кеча юртимиз мустиқилликнинг мубораки 10 йиллик тўнини ўзгача бир шодифея билан кутиб олган халқимиз бўгун ҳам байрамовна кайфиятда, яратувчанлик, келажакка ишонч руҳида яшаётганлигидан далолат беради.

рини қанчалик қўшишга иштиёқман эканлиги улар қалбдан ижро этган куй-қўшиқлар, ракс ва сахна кўринишларида яна бир карра намоён бўлди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ, "Маърифат" мухбири Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

Нурота туманидаги мактаблар сонини яна биттага қўнайди. Мустиқилликнинг 10 йиллиги байрами арафасида туманининг 64-Шўх участкасида 52-тажяч мактаби фойдаланишга топширилди. Бир неча йилдан бўён қаровсиз ёган бино қайта таъмирдан чиқарилган кўркам қўёфа касб этди. Мактабнинг 10 та синф хонаси маъжуд бўлиб, бу ерда 100 дан ортиқ ўқувчи таълим ва тарбия олади. "Мустиқиллик" ширкат хўжалиги (раиси: А.Ўрозов) мактаб учун 5 гектар ер ажратди. Мактаб ҳоблисида артезиан кудуши ишлаб турибди.

Янги мактаб биноси қурилиш-таъмирлаш ишларида Бобоқул Жянов, Нуриддин Сағатоб, Жўрақул Қораев, Раҳмон Раҳमतов, Гайбулла Қўшанов каби хизматчи ва ўқитувчилар сидқидилдан меҳнат қилишди. "Мустиқиллик", "Ўзбекистон" ширкат хўжаликлари, "Тум", "Туя" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда мактаб атрофида фаолият кўрсатаятган деҳқон-фермер хўжаликлари мактабни қурилиш материаллари билан таъминлашда беминнат ёрдамларини аяматдилар. Шунингдек, Папанай қишловидаги 9-мактаб ёнида ҳам бошланғич синфлар учун 6 та синф хонасидан иборат алоҳида қўшимча ўқув биноси қурилди. Хуллас, Нурота туманидаги барча билим масканлари янги ўқув йилини муносиб кутиб олди.

Ж. ИСКАНДАРОВ

ҚИШЛОҚДА БАРДО ЭТИЛГАН МУЗЕЙ

Ўзбекистон мустиқил давлат сифатида тан олинганига, мана, унинг илм кетяпти. Қишлоққа музей керак, одамлар кириб кўрганда, бой маънавий озуқа оладиган зиёратгоҳ. Уч бўлмдан иборат асфальт ёқасидаги уйдан эр-хотин бошқа хонага кўчиб ўтиши. Музейга

Himmat

гимламга алмаштирди. Келин тўйига тушган совға бўлгани боис, келини анда қорози ҳам бўлди. Опа ҳали охори тўқилмаган Хива гиламини бергач, унинг чиройи очилди. Мана, ниҳоят, унинг дилидаги озулар ушалди. Ўзи ташкил қилган уй-музейни опа уч йўналишда номлади: "Қадриятларимиз - қалбимизда", "Халқ амалии санъати", "Қироятхона". Дарвоқе, Тўхтаҳон Раҳимованинг номи адабиёт илхосмандларига жуда яхши таниш. Нозиктаъб ижодкорнинг шеър ва ҳикоялари гоҳ газета-журнал, гоҳ китоб ҳолида уларнинг онги-шуридан жой олган. Байрам арафасида очилган музейга қадам ранжидда этувчиларнинг кети узилмапти.

Хулқар ТЎЙМАНОВА

ҚИЗИЛТЕПАДА ЯНГИ МАКТАБ ВА ПЕНТИУМ КОМПЬЮТЕРЛАР ЖАМЛАНМАСИ

Навоий вилоятида ҳам "Билимлар кунини" зўр таяна билан нишонланди. Шу кунини бошлар қувончига вилоят ҳокимлигидан ва вилоят ХТБдан мактабларга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам шерик бўлишди. Вилоятдаги маъжуд 375 та мактабда янги 2001-2002 ўқув йилида 196836 ўқувчи рўйхатга олинган. Шундан 20123 нафарини илк бор мактаб оstonасини хатлаган 1-синф ўқувчилари ташкил этилди. Шу кунини вилоят ва шаҳар, туман ҳокимлиги барча ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билим ўқоклари га бориб, "Билимлар кунини" ҳамда қурилиб фойдаланишга топширилган янги мактаб бинолари билан ўқувчи ва устоз-мураббийларни табриклашди. Бундан ташқари, улар биринчи дарс - Мустиқиллик дарсларида ҳам қузатувчи сифатида иштирок этишди. Ана шундай дарслар Навоий шаҳридаги ХТБга қарашли итхисослаштирилган мактаб-интернатнинг 8-А" синф математика ўқитувчиси Дилобар Бозорованинг "Мустиқиллик, асрайман сени...", Навоий тумани-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 сентябрь кунини Оқсаройда Германиянинг "Сименс-АГ" концерни бошқаруви раиси Хейнрих Пирер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди ва суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан "Сименс-АГ" ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласи юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида Қарор қабул қилди. Тошкентда Япония маданияти кунлари ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Бадий академиясида тантанали тадбир ташкил этилди ва унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазии ўринбосари Х.Кароматов иштирок этди.



Хабарларга кўра, Македонияда иш олиб бораётган тинчликпарвар кучлар албан гуруҳлари томонидан топширилиши керак бўлган қурол-аслаҳаларнинг учдан бир қисмини йиғиб олган ва тадбирнинг биринчи қисми якунлангани ҳақида Македония президентига хат жўнатилган.

Москванинг 10 нафар фуқаросига Иккинчи жаҳон уруши даврида Германия концлагерида бўлган асирларга тўланиши керак бўлган товон пули топширилди ва бу тадбир йил охиригача 400 минг Россия фуқаросига нисбатан амалга оширилади.

Ўткир ПўЛАТ

Ko'ngil bitiklari

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИГА

Махмудхўжа Бехбудий
Маърифат камолин кўлаган —Бехбудий,
Жаҳолат заволин "излаган"—Бехбудий.

Мунавварқори Абдурашидов
Хуррият олинур, берилмас, деган
Унутманг Мунаввар Қорини.


Абдулла Қодирий
Қодирий наштардек сўз билан ҳамон,
Разолат—зулматни тиглайди.

Абдурауф Фитрат
Бу кун Бухороий Шариф ёшлари
Тавоб айлар "Темур сағанаси"ни.

Абдулхамид Чўлпон
Кўзлаб Туркистоннинг порлоқ эртасин,
Жонин: "Истиқлол!"—деб айлаган ўлпон.

Усмон Носир
У сохта гоёнинг бўлди қурбони,
"Даҳо"га ишониб шеърлар тўқиган...

Изоҳ: Ўлпон сўзи бадал, тўлов маъносидда ишлатилган. (Муаллиф.)



Ватан манзараси

ИФТИХОР

Арча, заранг, pista, бағ,
Олача тўн бобо тоғ.
Қоқи, равон, зира, зирк
Ой, қушдан ўқтам, соғ.

Шонли тарих урғ, удум,
Далварзиндай катта Хум.
Кушонлардан кексароқ
Қадим Сурхон, Жайхуним,

Тешиктош, гор, битик, из,
Алломишу Барчин қиз.

Бойчибордан бохабар
Кўзна Бойсун, чол—Термиз.
Халқимдаги номус ор
Бошқада йўқ бизда бор.

Гул жисмида жам жаҳон,
Келажакка кафил он,
Тоғдай буюк ифтихор
Ватан сенсиз чиқар жон.

Хушбук РАХИМОВ,
Қибрай туманидаги
4-мактаб ўқитувчиси

ШЕЪРИМ ЮРГИН...

Шеърим юргин, сайр этайлик,
Сафар эшитин диллар олсин.

Чаналарга юзи бурсақ,
Нисоҳимиз нурдан олсин.

Кел, куйлайлик куйимизга
Бани олам қулоқ солсин.

Дил торимиз тун келинин,
Созандаси—ҳилол чалсин.

Оқимизнинг шароридан,
Ой уёлисин, кун уёлисин.

Дўстмухаммад ДўСТ,
Тошкент Давлат
Юридик институти
қошидаги академик
лицей ўқитувчиси


СЎҒДИЁНА

Отлар йнлар,
Қилчлар бўлар.
Ўғлонларинг қани, она ер?

Сен-биллур,
Сен-шаффоф томчи.
Сен-шуринг,
Тузондан қолгансан ран-чи.

Ғолиб бўлди, қулиб ўлади...
О, улуг юрт,
Кўзна мозийни,

Ё улган достон садоси,
Сен-жумард
Сиевуш киймаган такво.



Унинг учун борлиқ бегубор,

Уролбой ҚОБИЛ,
Камаши туманидаги 42-мактаб
ўқитувчиси

...ТА...

Сен-дарвеш,
Нидоси сукунатдан тинч.
Тулқинсан қудрати,
Йўқотган мавжин.

Суянчининг топмадим
узга имконин.
Билсанг дейман
Олис-олидан

Шоҳиста МАМАРАИМОВА,
ТерДу талабаси

ВЕНГРИЯДАН СОВҒА
Катта тўй арафасида Венгрияда ўтказилган ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионатида қатнашган делегациямиз Тошкентга қайтиб келди.

ПЕКИН УНИВЕРСИДАСИ
Хитойда Бутунжаҳон талабаларининг Универсиада мусобақалари якунланди.

ШАҲРИСАБЗДА ВИЛОЯТ БИРИНЧИЛИГИ
Шаҳрисабз туман ўқувчилари саройида қаратэнинг ашиҳара йўналиши бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

ЖЧ-2002
Келаси йил футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати Осиё қитъаси саралаш ўйинларининг иккинчи босқичи қизинг паллага кирди.

"ПОНЗАН-2001" ДАН ҲАМ МЕДАЛ
Польшанинг Понзан шаҳрида байдарка ва каноеда эшак эшитиш бўйича ўтказилган 31-жаҳон чемпионати низоҳасига етди.

БЕФАРҚЛИК — ИЛЛАТЛАР ИЛДИЗИ

Инсон ҳаётда адашди, унинг қўрар ва чекар манзили жафодир. Умр ўткичи, демек, унда адашмасдан, қокимасдан ҳаёт кечириб, яқши ном қолдириш керак.

Дунё, умр, ҳаёт деганлар шунақадар мураккаб экани, ҳали болалик туйғулари билан юрган инсонни ҳам тедада улайтириб қўяркан.

ҚАЛБНИ АРМОН ҲАМ ҲАМ ҲАМ ҲАМ ҲАМ

ди. Хонадонимиз файзи, оиламиз қувончи бўлмиш опа Барно бу дунёни мангу тарк этди.

Xotira

йўқлигини, барбир ҳеч нарса ўзағармаслигини, бу дельоларнинг барчаси тақдир азал деган ягона қалом қаршида ҳеч эканлигини, дунёдан кетиш дунёга келишдек муқаррор эканини, тақдирга тен бермоқдан ўзга чорам йўқлигини қайта-қайта идрок этсам-да, тақдирга тен бера олмагман.

QUTLOV
Хурматли Толмас НОРОВ!
Сизни таваллуд кунингиз билан чин қўнғидан қутлаймиз.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ
Йўлида
Пойтахтимизнинг А.Икромов туманидаги "Бешқайрағи", "А.Икромов", "Ҳайратий" маҳаллалари жамоаси ҳамкорликда йиғилиш ўтказди.

ана shunaqa gaplar
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Давлат Солиқ инспекцияси томонидан Содиқов Бахтиёр Курбанович номига 2001 йил 25 майда берилган 0517401 рақамли яқна тартибдаги тадбиркор гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifa
ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир
Халим САИДОВ
Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОВЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОВЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул қотиб), Курбанбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонли МУСАЕВ, Абдусамат РАХИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ХОШИМОВ

Рақам ва далайл ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул қотиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-54-23.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда руҳлатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150, 151. Тиражи 14.802.
Ғ. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ, Афсет усулида босилган, қовоқ бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳомасида chop этиди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.
Боснишга топшириш вақти — 20.00.
Топшириш — 20.00.